

Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2023 йил
27 октябрь,
жума
№ 46 (976)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

● <http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЭНЕРГЕТИКА ИСЛОҲОТИДАГИ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида 26 октябрь куни энергетика бозори регулятори фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари бўйича тақдимот ўтказилди.

Мамлакатимиз энергетика соҳаси босқичма-босқич ислоҳ қилиб келинмоқда. Биринчи босқичда бошқаруш тизими ўзгартирилди. Сўнгги йилларда 22 та электр станцияси, жумладан, илгари генерация бўлмаган вилоятларда янги станциялар ишга туширилди. Электр генерацияси тизимига илк бор хусусий капитал жалб қилинмоқда.

Ҳозирги кунда жами қувватлар 85 миллиард киловатт соатга етган. Келгуси йилларда яна 20 гигаваттлик қувватларни ишга тушириш мўлжалланган. Етти миллиард доллар хусусий сармоя эвазига 9 гигаватт қувват яратиш режалаштирилган.

Жадал ривожланаётган иқтисодиётимиз ва аҳолининг ўсиб бораётган талабини қондириш учун электр ишлаб чиқариш ҳажмини камида 120 миллиард киловатт соатга етказиш мақсад қилинган. Янги қувватларни ишга тушириш

ва тармоқларни тўлиқ модернизациялашга 52 миллиард доллар инвестиция зарурлиги ҳисоб-китоб қилинган.

Бундай катта ҳажмдаги инвестицияларни хусусий сектор иштирокисиз шакллантириб бўлмайди. Соҳанинг хусусий инвесторлар учун жозибадорлигини ошириш учун эса, халқаро тажриба кўрсатганидек, энг аввало, очиқ рақобат муҳитига эга энергетика бозорини яратиш керак.

Айни шу мақсадлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 28 сентябрдаги “Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида белгиланган.

Унга кўра, 2026 йилга бориб, электр энергияси талаб ва таклиф асосида шаклландиган эркин, улгуржи бозор ишга тушади. Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, бозор инфраструктурасини яратиш, энергетика тизимини энг куйи бўғинига қадар рақамлаштириш, инсон омилсиз реал вақтда ишлайдиган ақлли бошқарув тизимини (SCADA) жорий этиш зарур.

Кўплаб давлатларда бу ислохотлар учун 15 йил вақт кетган. Мамлакатимизда буни уч босқичда, 2030 йилгача яқунлаш режалаштирилган.

Шу боис, фармонга мувофиқ, Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги тузилди ҳамда унга энергорегулятор вазифаси юклатилди.

Тақдимотда энергетика вазири Ж.Мирзамаҳмудов фармонда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш муддатлари ва соҳадаги режалар ҳақида ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга республикани электр билан таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича аниқ кўрсатмалар берди. Бунда, эркин энергетика бозорига ўтишнинг асосий шарти мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талабни тўлиқ таъминлаш учун етарли генерация қувватларини яратиш экани алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, ягона электр савдоси платформасини яратиш ва 2024 йил якунига қадар уни синовдан ўтказиб, ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Президентимиз энергетика бо-

зорини эркинлаштириш жараёнида электр энергиясини аҳолига республиканинг барча ҳудудларида 2035 йилга қадар бир хил нархда сотилиши талабига ҳамда тарифларни белгилашда ижтимоий ҳимоя принципига қатъий риоя этиш шартлигини таъкидлади.

Янги тизим самарали ишлаши учун учта йўналиш – кадрлар тайёрлаш, тармоқнинг илм-фан билан узвийлигини таъминлаш ва рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Бундай комплекс ишлаш тартибини марказдан тортиб ҳудудларгача татбиқ этиш топширилди.

Шу боис агентликка билимли мутахассис ва хорижий консультантлар ишга олинади. Ходимлар Испания, Хитой, Туркия ва Германияга малака оширишга юборилди. Хорижий тажриба асосида юртимизда ҳам муҳандис, диспетчер, SCADA оператори ва бошқа мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув курслари ташкил қилинади.

Тақдимотда кўриб чиқилган масалалар юзасидан соҳа масъулларига қатор топшириқлар берилди.

ЎЗА

Кейинги йилларда мамлакатимизда стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш, метрология ва сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш, мазкур соҳаларда халқаро стандартларни тизимли равишда жорий этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар қатъият билан амалга оширилмоқда.

● **Моҳият**

ЯНГИ ҚОНУН:

метрология соҳасида хусусий сектор иштирокини кенгайтиришга қаратилган



Бу, ўз навбатида, соҳага хусусий секторни кенг жалб этиш ва тадбиркорларнинг фаол иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратиб бериш заруратини юзага келтирмоқда.

Юртимизда ҳозирги кунда

91 та субъект томонидан метрология хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Шундан 67 таси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, 24 таси хусусий секторга мансуб субъектлар ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда) ►

Мезон

МАЪМУРИЙ СУДЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ:

соддалаштирилаётган тартиб ва камайтирилаётган давлат бож

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари фуқароларнинг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Бу, ўз навбатида, юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг судларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда.



Бу ўринда 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки ушбу дастуриламал ҳужжатнинг асосий мақсади – инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини

янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ҳамда зарур шартига айлантиришдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда) ►

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда судларни чинакам адолат кўрғонига айлантиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар қатъият билан амалга оширилмоқда. 2023 йил 27 сентябрда “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши ҳам бу борада муҳим қадам бўлди.

● **Муносабат**

СУДДА ИШЛАРНИ КЎРИШ



энди тафтиш тартибида ҳам амалга оширилади

Айтиш керакки, ушбу янги қонун билан Жиноят процессуал кодексига киритилган энг муҳим янгилик бу судда ишларни тафтиш тартибида кўриш босқичининг жорий қилинишидир. Шу

боис кодекс 510-521²¹-моддаларни ўз ичига олган ва “Суднинг ҳукми, ажри ми устидан тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш” деб номланган янги 56²-боб билан тўлдирилди.

Бу ҳақида батафсилроқ фикр юртадиган бўлсак, Жиноят процессуал кодексининг янги 510-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси судида, вилоятлар, Тошкент шаҳар судларида, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судида тафтиш тартибида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг, ҳудудий ҳарбий судларнинг апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ҳукмлари, ажримлари, шунингдек, ушбу судларнинг туман (шаҳар) судлари, ҳудудий ҳарбий судлар томонидан қўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация инстанциясида чиқарилган ҳукмлари, ажримлари кўриб чиқилади.

(Давоми 2-бетда) ►

● **Хабар**



ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ФОРУМИ –

Марказий Осиё ёшлари учун эркин мулоқот майдони

Куни кеча Тошкент шаҳрида “Ёшлар ҳуқуқлари: имкониятлар ва ҳимоя қилиш механизмлари” мавзусидаги халқаро форум бўлиб ўтди. Ушбу жаҳон анжумани Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 майдаги Фармони билан тасдиқланган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури” доирасида ўтказилди.



Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 75 йиллиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена бутунжаҳон конференциясининг 30 йиллигига бағишланган мазкур форумда ҳамкор миллий ва халқаро ташкилотлар-

нинг нуфузли намоёндалари, халқаро экспертлар ва Марказий Осиё минтақаси ёшлари вакиллари сўзга чиқди. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Фолькер Тюрк ўз видеомурожаатида, жумладан, шундай деди:

– Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бугунги ёшлар ва истиқболдаги авлодлар учун тинч, адолатли ва баркамол келажакни таъминлаш воситаларини тақдим этганига қатъий ишончим комил. Бу йил Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллиги муносабати билан ўтказаятган тадбирларимиздан мақсад фақат ортага, БМТ тарихига назар солишдангина иборат эмас.

(Давоми 2-бетда) ►

Мутолаа эҳтиёжи

Тафаккурнинг ТОЛМАС ҚАНОТИ

Китоб инсоннинг камолоти йўлидаги энг яхши восита ҳисобланади. Зеро, ҳазиналар калити, тафаккурнинг толмас қаноти бўлган китоб инсоннинг энг яқин маслакдоши ва маслаҳатчиси, ақл қайроғи ҳамда билим манбаидир.

Китоб инсон онги ва маънавияти ривожига катта аҳамиятга эга экан, жамиятда адолатни қарор топтириш учун одил судловни амалга ошириш каби масъулиятли вазифа зиммасига юклатилган судья учун китоб мутолааси нечоғлик зарур, деган савол туғилиши табиий.

Бунга жавоб ахтарар эканмиз, давлатимиз раҳбарининг бу борада айтган фикрлари ёдга келади: “Адолат ва маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар, маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди”.

Демак, инсон китоб ўқимасдан туриб маънавий етуқликка эриша олмайди, маънавияти паст, жоҳил кимсадан адолатни кутиш мушкул. Шу фикрдан келиб чиқиб, ҳар бир судья учун китоб мутолааси сув ва ҳаво каби зарурий эҳтиёж, дея хулоса қилиш мумкин.

Албатта, шу ўринда бадиий асарлар ўқиш тўғрисида сўз



Хайруллохон КАМОЛОВ,
жиноят ишлари бўйича
Чирчиқ шаҳар суди раиси

юритилаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки судьянинг ўз малакаси ва касбий билимларини ошириб бориши бошқа масала.

Ҳар бир судья ушбу лавозимга тайинлангунга қадар бир неча таълим босқичини босиб ўтиб, соҳага оид махсус ва илмий манбааларни ўрганиб, алоҳида тайёргарликдан ўтадики, буларнинг барчаси китоб ўқиш ва илм ўрганиш орқали ҳосил бўлиши кундай равшан. Иш фаолиятида ҳам китоб унинг доимий йўлдоши бўлиб қолади. Чунки судья ҳар бир иш бўйича адолатли, қонуний ва асосли қарорлар қабул қилиши учун қатор қонунлар ва махсус адабиётларни ўқиб ўрганиши талаб этилади. Бу унинг учун кундалик заруратга айланади.

(Давоми 3-бетда) ►

Тарих тилсими

МИРЗО УЛУҒБЕК УСТОЗИ

ёхуда Қозизода Румий ким бўлган?


Темурийлар сулоласининг иқтидорли вакили бўлган Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида Мо-вароуннаҳрда илм-фан юксак тараққий этди. Мирзо Улуғбек Самарқандда кўплаб машҳур олимларга ҳомийлик қилди. Улардан бири буюк олим ва астроном Қозизода Румийдир.

(Давоми 4-бетда) ►

Моҳият

ЯНГИ ҚОНУН:

метрология соҳасида хусусий сектор иштирокини кенгайтиришга қаратилган



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушбу субъектларнинг 45 таси йирик ишлаб чиқарувчи корхона ва давлат ташкилотларидир. Жумладан, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги метрология хизматларининг аккредитация доираси фақат мазкур корхоналарнинг ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда жорий этилган хизматлар сирасига киради.

Яна 22 та субъект Давлат метрология хизматининг қиёслаш лабораториялари ҳисобланади. Яъни бу ўринда Ўзбекистон миллий метрология институти ва унинг 16 та ҳудудий филиали ҳақида сўз бормоқда.

Амалдаги қонунда ўлчаш воситаларини қиёслаш фаолияти билан шуғулланишда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда юридик шахслар (хусусий сектор) ҳуқуқлари турлича талқин қилинган ҳамда тартибга солиш ва хизмат кўрсатиш вазифалари бир-биридан ажратилмаган. Бундай ҳолатлар манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши сабабли қонунни қайта кўриб чиқиш зарурати туғилди.

Бинобарин, Олий Мажлис Сенатининг қирқ бешинчи ялли мажлисида сенаторлар томонидан **“Ўлчаш воситаларини қиёслашдан ўтказиш соҳасига хусусий сектор жалб қилиниши муносабати билан “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”**ги қонун маъқуллангани бежиз эмас. Ушбу қонун тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, бу борадаги ислохотларни амалга ошириш бўйича изчил сиёсат ижросини таъминлаш йўлида ишлаб чиқилган.

Қонуннинг мақсади метрология хизматларини кўрсатиш соҳасига хусусий секторни кенг жалб қилиш ва бу борадаги давлат ташкилотларининг эксклюзив ҳуқуқларини бекор қилиш орқали мавжуд монополияларни бартараф этишдан иборат.

Ушбу янги қонунда Давлат метрология текшируви ва метрология назорати функциялари ажратилмоқда. Амалдаги қонун асосида давлат метрология текшируви ва назорати давлат метрология хизмати органлари томонидан амалга ошириб келинаётган эди.

Сенаторлар маъқуллаган янги қонунда метрология текширувини амалга ошириш ҳуқуқи давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг метрология хизматлари ҳамда юридик шахсларнинг (хусусий сектор) метрология хизматлари томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда. Бунда давлат метрология назорати фақат Махсус ваколатли орган, яъни Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасига оид миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларининг талабларига мувофиқлаштириш белгиланган.

Жаҳон савдо ташкилотиде метрология бўйича нормалар Халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилотининг ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

Халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилотининг метрология бўйича халқаро ҳужжатиға мувофиқ, аҳоли саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда давлат ресурсларини ҳисобга олишдаги ўлчашларнинг ишончилиги давлат томонидан кафолатланиши лозим.

Айтиш керакики, янги қонун асосида амалдаги қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши миллий қонунчиликни халқаро талаблар асосида мувофиқлаштирилиши таъминлайди. Метрология соҳасида тадбиркорлик субъектлари учун

давлат аҳамиятига эга бўлган ўлчаш воситалари туркумларининг рўйхатини тасдиқлаш ваколати берилмоқда.

Ушбу рўйхатга 91 та ўлчаш воситаси киритилади. Аҳоли саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, давлат ресурсларини ҳисобга олиш шулар жумласидандир.

Шуни таъкидлаш жоизки, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 97-мақсадида Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш кўзда тутилган. Унда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасига оид миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларининг талабларига мувофиқлаштириш белгиланган.

Жаҳон савдо ташкилотиде метрология бўйича нормалар Халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилотининг ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

Халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилотининг метрология бўйича халқаро ҳужжатиға мувофиқ, аҳоли саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда давлат ресурсларини ҳисобга олишдаги ўлчашларнинг ишончилиги давлат томонидан кафолатланиши лозим.

Айтиш керакики, янги қонун асосида амалдаги қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши миллий қонунчиликни халқаро талаблар асосида мувофиқлаштирилиши таъминлайди. Метрология соҳасида тадбиркорлик субъектлари учун

қўшимча фаолият йўналиши очилади. Бу эса, маҳсулот, жараёнлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳсулот сифати ва унинг рақобатбардош бўлишига ҳамда метрология хизматлари бозорида соғлом рақобат муҳитининг шаклланишига кўмаклашади.

Мазкур янги қонунни ишлаб чиқиш жараёнида халқаро-ҳуқуқий тажриба атрофлича таҳлил этилди. Хусусан, Халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилотининг “Метрология бўйича қонун элементлари”, Европа Иттифоқининг Йўриқномаси, Россия, Беларусь, Молдова ва Қозоғистоннинг метрология соҳасига оид қонунлари ўрганилди.

Ушбу хорижий қонунчилик нормаларида юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар тегишли тартибда аккредитациядан ўтган ҳолда ўлчаш воситаларини қиёслаш ҳуқуқига эга бўлиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, амалдаги “Метрология тўғрисида”ги қонунга киритилгаётган ўзгартиш ва қўшимчалар қонуннинг умумий моҳиятини ўзгартрмайди. Ушбу қонуннинг амалга оширилиши давлат бюджетидан қўшимча маблағ сарфланишига ҳам олиб келмайди.

Мухтасар айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ва амалга тадбиқ этилиши натижасида ўлчаш воситаларини қиёслашдан ўтказиш соҳасига хусусий секторни жалб қилиш таъминланади. Бу, ўз навбатида, ушбу йўналишда хусусий сектор улушини ўртача 5-7 фоиздан 57 фоизга оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, давлат метрология хизмати улушининг камайитирилиши ҳисобига миллий метрология институтининг фаолият шакли халқаро талабларга мувофиқ босқичма-босқич илмий-амалий ишларни ривожлантириш ҳамда метрология соҳасига инновацияларни кенг жорий этишга имкон яратади.

Баҳодир ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Сенати
Ағар ва сув хўжалиги
масалалари қўмитаси раиси

Муталаа эҳтиёжи


Тафаккурнинг ТОЛМАС ҚАНОТИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бироқ судья зиммасига юклатилган вазифани талаб даражасида амалга ошириши учун фақат қонунларни мукамал билишининг ўзи камлик қилади. Қўшимчасига адабиёт дурдоналаридан баҳраманд бўлиш судьянинг билим салоҳиятини янада бойитиш, тафаккурини кенгайтириш, мантикий мушоҳадасини кучайтириш, мулоҳазақорлигини ошириш, оғзаки нутқи ва ёзма баённинг ривожланишига хизмат қилади.

Маълумки, суд қарорлари қисқа, аниқ ва тушунарли ёзилиши талаб этилади. Ҳукмда ноаниқ ибораларни ишлатиш, ишга оид бўлмаган ҳолатларни ёритиш билан ҳукми ортиқча тўлдиришга йўл қўйиб бўлмайди. Бунинг учун судьядан талаб этиладиган муайян кўникма ва маҳоратни кўп бадий адабиётларни ўқиш орқали ривожлантириш мумкин.

Шунингдек, жиноятлар қасддан содир этилганда муайян бир мақсад кўзланишини биламиз. Жиноят мотиви шахсда жиноят содир этиш қарори ва хоҳишини уйғотувчи ички ҳиссиёт бўлиб, муайян мақсаднинг вужудга келиши, унинг йўналишини ифодалайди. Шу жиҳатдан қараганда, аксарият қасддан содир этилган жиноятларда жиноятнинг мотиви ва мақсадини аниқлаш қилмишни малакаш, жиноятларни фарқлаш ва адолатли жазо тайинлашда муҳим аҳамиятга эга.



Бадий асарларда инсоннинг феъл-атвори, ҳиссиётлари, жумладан, рашқ, ўч олиш, гараз ва шу каби иллатлар ўта моҳирлик билан очиб берилдики, бу асарларни ўқиш орқали жиноятнинг психологиясини ўрганиш, жиноятнинг содир этиш мотиви ва мақсадини янада чуқурроқ англаш мумкин.

Назаримда, китобхонлик болалиқдан шаклланиши лозим, шахснинг китобхонлик савияси оддийдан мураккабга қараб такомиллашиб бориши зарур. Чунки баъзи асарларнинг “юки оғир” келади, уларни маълум тайёргарликсиз англаш қийин.

Боланинг китобга меҳр қўйиши кўпинча у униб-ўсаётган, таълим олаётган ва мулоқот қилаётган муҳитга боғлиқ. Яқинларим орасида адабиётга меҳр қўйган, шахсий кутубхонасига эга бўлганлар кўпчилик бўлгани сабабли мен ҳам ёшлигимдан китоб ўқишга қизиққанман.

Албатта, китоб ўқишга бўлган илк ҳавасни менда отам уйғотган ва бу болалиқда ўқиган эртақларим орқали рўй берган деб ҳисоблайман. Ўзбек ва жаҳон халқлари эртақлари, ака-ука Гримм, Шарль Перро эртақлари мени китобларнинг сеҳрли оламига олиб кириб, мурғак қалбимда эзгулик уруғларини қадаган бўлса, ўсмир давримда ўқиган Гафур Ғуломнинг “Ум бола”, Жек Лондоннинг “Шу қалб”, Александр Дюманинг “Граф Монте-Кристо” каби саргузашт асарлари ўсмирлик орзуларимга монанд ҳаётга бўлган беадад завқу шавқимни янада ортттирган.

Мақтаб давримдаёқ Артур Конан Дойл ва Агата Кристининг детектив асарларидаги Шерлок Холмс, Доктор Ватсон, Эркюль Пуаро, Мисс Марпл каби бетакор образлар келажакда ҳуқуқшунос касбини танлашим учун юрагимга илк



умид учқунларини сочган бўлса, ажаб эмас.

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, Ҷўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, Ойбекнинг “Алишер Навоий”, Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Полазор”, Эрих Мария Ремаркнинг “Уч оғайни”, Теодор Драйзернинг “Америка фожиаси”, Этель Лилиан Войничнинг “Сўна”, Лев Толстойнинг “Уруш ва тинчлик”, Фёдор Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо”, Анатолий Рибаконинг “Арбат болалари” романлари, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг шеърлари ҳисларимни жумбушга келтириб, тафаккурим равнақи ҳамда фикрларим уфқини янада кенгайтириб, оламга ўзгача тарзда теран назар солишимга туртки бўлган десам, муболага қилмаган бўламан.

Кейинчалик Саид Аҳмад, Мирзакалон Исмоилий, Ўткир Ҳошимов, Пиримқул Қодиоров, Тоғай Мурод, Тоҳир Малик каби ўзбек адиблари, Чингиз Айтматов, Михаил Булгаков, Стефан Цвейг, Уильям Сомерсет Моэм, Эрнест Хемингуэй, Франц Кафка каби жаҳон адибларининг ижоди ва бебаҳо асарлари мени оҳанграбо каби ўзига ром этди. Инсоният зақосининг ноёб маҳсули бўлган адабиётга мени бир умр ошно қилиб қўйди.

Мумтоз адабиёт ҳақида сўз кетганда тасаввуф ҳақида алоҳида тўхталмасак бўлмайди. Чунки бир гойибона куч мени Яссавий ҳикматлари, Машраб ғазаллари, Юнус Эмро шеърларини ўқишга ҳамиша ундайверади. Балки бунга Фаридулдин Аттор, Хожа Ахрор Валий, Юсуф Ҳамадоний, Имом Ғаззолий, Имом Бухорий, Алихондўра Соғуний, Маҳмуд Цвейг, Уильям Сомерсет Моэм, Эрнест Хемингуэй, Франц Кафка каби жаҳон адибларининг ижоди ва бебаҳо асарлари мени оҳанграбо каби ўзига ром этди. Инсоният зақосининг ноёб маҳсули бўлган адабиётга мени бир умр ошно қилиб қўйди.



Охирги пайтларда антиутопик жанрга мансуб Жорж Оруэллнинг “1984” романи, “Молхона” қиссаси, Рей Брэдберининг “Фаренгейт бўйича 451 даража” романини ўқиб қикдим. Бу жанрдаги асарлар кўзимиз ўрганиб қолган, баъзан бефарқ қолаётган ҳодисалар, тарихий воқеаларга ўзгача назар билан боқиш ҳамда мушоҳада қилишга ўргатади. Бу асарларда кўтарилган ғоялар, муаммолар нафақат бугунги, балки келажак учун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Зеро, “Фаренгейт бўйича 451 даража” асарида таъкидланганидек, **“Сиз қидираётган бarcha нарсалар бу оламда мавжуд. Аммо оддий одам уларни юздан биринингизга ўз кўзи билан илгай олиши мумкин, қолган тўқсон тўққиз фоизини эса китоблар орқали ўрганади”**.

ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Қолаверса, судланувчининг зиммасига назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартмаслик, Фарғона вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча тақиқлар ҳам юклатилди. Г.Мадумаровага жазони ўташ даврида ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни талаб даражасида бажармаган тақдирда Жиноят кодексининг 481-моддасида белгиланган оқибатлар юзага келиши тушунтирилди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таълим соҳаси энг мўътабар ва эъзозли соҳа ҳисобланади. Чунки ҳар бир ўқитувчи ёшларга фан сирларини ўргатиш билан бирга уларнинг онгига ҳалоллик, поклик, эзгулик

сингари фазилатларни нафақат сингдиради, балки ўзининг фаолияти билан ибрат ҳам бўлади. Аммо нафс йўлига кирган айрим кимсалар нопок қилмиши билан фидойи ҳамкасбларининг шаънига доғ тушираётганини ҳеч нарсга билан оқлаб бўлмайди.

Албатта, бундай иллатларни бартараф этиш учун биз, судья ва суд ходимлари ҳам коррупциявий қилмишлар

га қўл уришининг аянчли оқибатлари, бундай кимсаларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминлаши тўғрисидаги ҳуқуқий тарғибот тадбирларини кенгроқ ташкил этишимиз лозим. Шунингдек, коррупцияга оид жиноят ишларини судланувчининг ҳамкасблари олдида сайёр суд мажлисини кўриш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Бинобарин, 2017 йил 3 январда қабул қилин

ган **“Коррупцияга қарши қураш тўғрисида”**ги қонуннинг 16-моддасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир тушунтириш

ишларини амалга ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълим, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, ўқув-услубий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш йўли билан зарур чора-тадбирлар кўриши белгиланган.

Пўлатжон МАМАТУСМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Қўқон шаҳар суди судьяси

◀(Бошланиши 1-бетда)

Тўлиқ номи Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд бўлган Қозизода Румий аслида ҳозирги Туркиянинг Бурса шаҳрида туғилган. У бошлангич таълимни олгач, астрономия ва математикага оид билимларини янада кенгайтириш мақсадида Мовароуннахрга йўл олади. Бу ерда у Амир Темур саройининг мунажжими бўлган мавлоно Аҳмаддан астрономия ва математика сирларини ўрганади. 1404 йил ёзида ёш олим Самарқандга келади. Тез орада у “Қозизода Румий” номи билан шуҳрат қозонади.

1405 йил бошида Қозизода Румий Мирзо Улуғбек билан Ҳиротга кетади. У ерда бир неча йил давомида бўлажак буюк олимга астрономия ва математика фанларидан сабоқ беради. Мирзо Улуғбек кейинчалик ўз асарларида Қозизода Румийни миннатдорчилик билан “устозим” дея эътироф этган.

Мирзо Улуғбек 1417—1420 йилларда Самарқандда мадраса барпо этиб, Қозизода Румийни муаллимларнинг раҳбарлигига тайинлайди ва аксарият ҳолларда унинг дарсларида ўзи ҳам иштирок этади.

Кейинчалик Самарқандда расадхона барпо этилгач, унда амалга ошириладиган илмий ишларга Қозизода Румий раҳбарлик қилади. Аммо у

Юртимизда иқтисодиётнинг ғоят муҳим соҳаси бўлиши кичик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шунингдек, ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий низоларни ҳал этиш бўйича суд амалиётини такомиллаштириш, судларда тадбиркор ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатлар иштирокини кенгайтириш, солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш орқали тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқий ҳимоя

Асоссиз важлар судда рад этилди

Бироқ баъзан тадбиркорлик фаолиятига қўр-қўрона тўқинлик қилиш ёки қонун талабларига амал қилмаслик оқибатида иқтисодий низоларнинг келиб чиқаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бунни қуйидаги мисолда ҳам яққол кўриш мумкин.

Қарши шаҳар ҳокимининг 2021 йил 21 майдаги қарори билан “Spartak” хусусий корхонасига Амир Темур номидаги ва Шарқ кўчаси кесиммасидаги бузилишга тушган турар-жой биносини қайта лойиҳалаштириб қуриш учун 0,9 гектар ер майдони ажратилди. Ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи А.Темировга ҳам худди шу худудда Қарши шаҳар ҳокимининг 2021 йил 29 февралдаги қарорига мувофиқ фойдаланиш учун 24,0 квадрат метр ер майдони ажратиб берилади. Кейинчалик лойиҳалаштириш режасида А.Темиров барпо этган савдо растансининг бир қисми “Spartak” хусусий корхонасига ажратилган ер майдони, бошқа қисми эса, янги қурилаётган бинонинг муҳофазаси ҳудудига киргани маълум бўлади.

Шундан сўнг “Spartak” хусусий корхонаси ҳамда тегишли ташкилотлар томонидан А.Темиров ушбу савдо растанси бузилиши ҳақида огоҳлантирилган бўлса-да, у турли баҳоналарни рўқач қилиб, бинони бузишни атай пайсалга солиб келади.

Шундан сўнг “SPARTAK” хусусий корхонаси раҳбари ушбу низоли ҳолатга қону-

ний баҳо беришни сўраб, судга даъво ариза киритди. Биринчи инстанция суди А.Темировга ер майдони ижара ҳуқуқи билан берилгани, ижара ҳуқуқи асосида ердан фойдаланиш мuddати эса, 2022 йил 1 март кунни тугаганини эътироф этиб, даъво аризасини қаноатлантирди.

Аммо А.Темиров суднинг ушбу ҳал қилув қароридан норози бўлиб, савдо растансини бузмаслик илинжида вилоят судига апелляция шикоятини билан мурожаат қилди.

Судлов ҳайъати апелляция шикоятини атрофлича муҳокама этиб, ундаги келтирилган вазлар билан батафсил танишиб, фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди ушбу низоли ишни кўриш жараёнида амалдаги қонун талабларини таъминлашга ҳизмат қилади. Шу боис тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш судлар зиммасидаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Саттор АҚАНОВ,
Қашқадарё вилояти суди судьяси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
“Куч - адолатда” мухбири

Тарих тилсимлари

МИРЗО УЛУҒБЕК УСТОЗИ



ёхуд Қозизода Румий ким бўлган?

илмий кузатишлар охирига етмасдан вафот этади. Бу ишни унинг яна бир шогирди, буюк олим Али Қушчи давом эттиради.

Қозизода Румий Самарқандда жуда кўп шогирдлар етиштирган. Уларнинг энг таниқлиси Мирзо Улуғбек бўлса, иккинчиси Фатхуллоҳ Шервонийдир.

Самарали фаолият юритиб, кўплаб асарлар яратган буюк олимнинг “Ҳисоб ҳақида рисола” китоби араб тилида ёзилган бўлиб, унда каср ва бутун сонларнинг ўнлик услубларидаги ҳисоби баён этилган. Ушбу асар қўлёзмаси Машҳад шаҳридаги имом Ризо кутубхонасида сақланади.

“Астрономия ҳақида қисқача рисо- ланинг шарҳи” асари Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминийнинг (XIII аср) “Мулаххис фи-л-хайъа” номли асарига араб тилида ёзилган шарҳидан иборат. Шарҳ 1412 йилда Самарқандда ёзилган. Рисоланинг 150 дан ортқ қўлёзма нусхалари дунёдаги турли кутубхоналарда мавжуд.

“Асосланган жумлалар” номли геометрияга доир шарҳ ҳам 1412 йилда Самарқандда ёзилган. Бу рисоланинг 70 дан ортқ қўлёзмалари сақланиб қолган.

“Синус ҳақида рисола” асарида бир даража синусини аниқлашнинг янги бир усули

баён этилган. Асарнинг икки қўлёзмаси Истамбулдаги Султон Муҳаммад кутубхонасида сақланмоқда.

“Амал дастури ва жадвал- ларини тузатиш” рисоласи араб тилида ёзилган. Мирзо Улуғбекнинг “Зижи Қўрагоний” асаридаги бир математик масаланинг шарҳига бағишланган ушбу асарнинг ягона қўлёзмаси Тбилиси кутубхонасидан жой олган.

Юзаларни ўлчашга бағишланган “Ўлчаш” рисоласи нусхаси Машҳаддаги Мавлавий, “Астрономия ва геометрия ҳақидаги рисола” асари Бурса, “Шарҳ Таҳрир ал-Мажистий” деб номланган астрономияга доир рисола-

нинг икки қўлёзмаси Берлин ва Лондон, “Астрономия илми ҳақида рисола”нинг ягона қўлёзмаси Санкт-Петербург кутубхоналарида сақланмоқда. Санкт-Петербург, Машҳад ва Техрон кутубхоналарида “Синус квадрат ҳақида рисола” асарининг қўлёзмалари мавжуд. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин.

Энг асосийси, Мирзо Улуғбекдек буюк олимни тарбиялаган Қозизода Румий бой илмий мерос қолдирган. Бу бебаҳо меросни ўрганиш тадқиқотчилар олдидаги масъулиятли вазифа ҳисобланади.

РУСТАМ ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Жиноятга жазо муқаррар

Маълумки, Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилганди.

Албатта, бундан кўзланган мақсад — ёшлар билан самарали ишлаш- ни йўлга қўйиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, иқтидорли, истеъдоди ва ташаббускор йигит-қизларни рағбатлантириш, салоҳиятларини тўлиқ рўйбга чиқаришга кўмаклашишдан иборат эди.

Кўриниб турибдики, маҳалла ёшлари етакчиси лавозимида фаолият юритадиган шахс зиммасига ўта муҳим ва долзарб вазифалар юклатилган.

Шу маънода ушбу лавозимда фаолият юритадиган ҳар бир шахс ўз зиммасига юклатилган вазифалар масъулиятини чуқур ҳис этиши, ғайрат-шижоатли, фидойи ва ташаббускор бўлиши талаб этилади.

Албатта, бугунги кунда маҳаллаларда ёшлар етакчиси сифатида ғайрат-шижоат билан фаолият юритаётган, ибратли ишлари билан барчага намуна бўлаётган ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Аммо ҳаётда ўзига ишониб топширилган лавозимдан ғаразли мақсадда фойдаланишга уринадиган кимсалар ҳам баъзан учраб туради. Масалан, Сиддиқ Бобо- жонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам ана

шундай кимсалар тоифасидан бўлиб қиди.

С.Бобо- жонов Пастдарғом туманининг “Мирзатўп” маҳалла фуқаролар йигинига ёшлар етакчиси этиб тайинлангач, зиммасига юклатилган вазифалардан нопок мақсади йўлида фойдаланиш ҳақида ўйлай бошлади. У маҳалла ёшларини “Ёшлар дафтари”га киритиш, уйга эҳтиёжи бўлган фуқароларга субсидия эвазига имтиёзли равишда уй олиб бериш, талабгорларни муддатли ҳарбий хизматга юбориш каби ишларда ёрдам беришда таъмагирлик йўлини тналади.

Фикримизни ҳаётий мисол асосида далил- лайдиган бўлсак, С.Бобо- жонов Ш.Санаевдан ёшларга ажратилган субсидия эвазига уй олиб беришни айтиб, аввалига 300 АҚШ доллари, кейинчалик уй ҳужжатлари учун деб яна 3 миллион сўмни алдов йўли билан олиди. Нафси ҳақалак отган С.Бобо- жонов ўз маҳалладоши С.Бойназаровадан ўғли Фозилни “Ёшлар дафтари”га киритиб, субсидия асосида кам фойзли кредитга уй олиб беришни ваъда қилади ва 400 АҚШ доллари билан фирибгарлик йўли билан қўлга киритади. С.Бобо- жонов ўз жи-

ноий фаолиятини давом эттириб, яна бир маҳалладоши Н.Диёровани ҳам “чув” туширади. Фирибгар ундан ўғли Иқболнинг номига имтиёзли кредит эвазига уй олиб беришга ваъда қилади ва 2 миллион сўмни алдов йўли билан қўлга киритиб, шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборади.

Бундан ташқари муддатли ҳарбий хизматга боришни ният қилган Э.Бердикулов ҳам С.Бобо- жоновдан ёрдам сўрайди. “Бу осон битадиган иш эмас, харажатлари бор”, дейди С.Бобо- жонов очик таъмагирлик билан. Орадан кўп ўтмай Э.Бердикулов фирибгар айтган маблағни беради, аммо ваъда ваъдалигича қолиб кетади. Охир-оқибат эса, Э.Бердикулов тоқати тоқ бўлиб, туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилади...

Шуни таъкидлаш жоизки, судда С.Бобо- жонов қилмишларига тўлиқ иқдор бўлди. Суд судланувчининг жиноий ҳаракати дастлабки тергов идораси томонидан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” бандлари билан тўғри малакаланган деб топди.

Суд жараёнида бировнинг ҳақи ҳеч қачон бошқага бўрмайди, деган ҳикмат яна бир марта ўз

исботини топди. Яъни суд ҳукми билан жабрланувчиларга етказилган зарарлар судланувчи ва қариндошлари томонидан қопланиди.

Суд С.Бобо- жоновни Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” бандлари билан айбдор деб топди. Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан у бир йил олти ой муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш муайян ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Унга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Гувоҳи бўлганингиздек, нопок ишга қўл уриш нафақат С.Бобо- жонов, балки унинг оила аъзолари ва қариндошлари ҳам маҳалладошлари орасида юзшувит бўлишига сабаб бўлди.

Хулоса шуки, ишониб топширилган мансаб мавқиеини суиистеъмол қилиш, фирибгарлик йўли билан ўзгалар мулкига кўз олайтириш охир-оқибат шундай аянчли якун топади.

Асқар МАМАРАҲИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Пастдарғом тумани суди раиси

Қизиқарли фактлар

Ҳар бир давлатнинг ўз рамзлари бўлиб, улардан бири миллий мадҳиядир. Миллий мадҳия — бу ватанпарварлик руҳидаги қўшиқ бўлиб, расмий маросимларда халқ ва давлатга ҳурмат рамзи сифатида ижро этилади.

Ҳўш, дунё давлатларининг мадҳиялари қачон ва қим томонидан яратилган? Қуйида шу ҳақида маълумот берамиз.



МИЛЛИЙ МАДҲИЯЛАР қандай яратилган?

Айтиш керакки, давлат тимсоллари, жумладан, давлат мадҳиялари ҳар бир мамлакатнинг куч-қудрати, тарихи, анъаналари, маънавий дунёсини ўзида ифодалайди. Мадҳиялар турли тилларда турлича номланади. Кўпгина Европа тилларида бу атама “гимн” сўзи билан ифодаланади.

Бу юнон тилидаги “hymnos” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “қўшиқ” деган маънони англатади. Мадҳиялар қадимда дастлаб диний мазмунга эга бўлиб, уларда асосан қадимги юнон маъбудлари шарафланган. Кейинчалик ҳукмдорлар, азиз-авлиёлар шарафига битилган мадҳиялар ҳам пайдо бўлган.

Давлат мадҳиялари ҳам ўзига хос тарихга эга. Аммо улар дастлаб асосан ҳукмдорларни шарафлашга қаратилган. Дунёдаги энг қадимги мадҳия — Япония давлат мадҳияси бўлиб, унинг матни Япония тарихининг Хэйан даврида (794–1185) яратилган. Фақат унга 1880 йилга келиб, куй басталанган.

Европада давлат мадҳиялари асосан XVIII аср ўрталари, миллий давлатлар тузила бошлаган пайтда юзага келган. Нидерландияда 1570 йилларда “Вильгельм” деб номланган давлат мадҳияси пайдо бўлган. Буюк Британия давлат мадҳияси 1619 йилда яратилган. Испания мадҳияси бўлган “Марча Реал” 1770 йилда қабул қилинган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, аксарият миллий мадҳияларнинг келиб чиқиш тарихи номатълум. Одатда, бундай қўшиқларнинг қўйлари унга қимдир ватанпарварлик руҳидаги шеър ёзмасдан аввал ҳам машҳур бўлган. Миллий мадҳия учун махсус ёзилган қўйларнинг сони эса, унча кўп эмас. Энг машҳур мадҳия Германия мадҳияси бўлиб, уни буюк бастакор Франс Иосиф Гайдн дастлаб Австрия давлати учун ёзган.

Шунингдек, нисбатан қадимийроқ бир қанча миллий мадҳиялар ва ватанпарварлик қўшиқларининг шеърлари бир-биридан фарқ қилса-да, ягона қуй асосида ижро этилгани билан умумий хусусиятга эга. Уларнинг айримлари ҳарбий қўшиқлар сифатида ҳам ижро этилган. Британиянинг “Тангрим, қиролчичани ўз паноҳингда сақла” деб бошланувчи

мадҳиясининг куйи Дания, Германия, Швейцария ва дунёнинг бошқа кўплаб инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларида ватанпарварлик қўшиқларининг яратилишига сабаб бўлган. Америка Қўшма Штатларида ҳам “Америка” сўзи ана шу куй жўрлигида ижро этилади. «Тангрим, қиролчичани ўз паноҳингда сақла» куйини 1619 йилда инглиз бастакори Жон Булл яратган. Унинг давлат мадҳияси сифатидаги илк ижроси 1745 йилнинг 28 сентябрида бўлиб ўтган.

Америка Қўшма Штатларининг миллий мадҳияси 1812 йилдаги уруш даврида ёзилган. Балтиморлик адвокат Френсис Скотт Кей ишғол этилган шаҳар биноларининг бирида ҳилпираб турган Америка байроғини кўргач, шу даражада ҳаяжонланиб кетганидан санокли дақиқаларда «Юлдузли байроқ» қўшиғининг матнини оддий хатжилднинг орқасига ёзишга муваффақ бўлади. Шундан сўнг у шеърни куйга солиш ҳақида ўйлаётганда кутилмаганда, хотирасига «Самодиа Апокреонга» деб аталувчи қадимий инглиз қўшиғи келади ва у тайёр мадҳияга айланади.

Франциянинг миллий мадҳияси бўлган «Марселеза» буюк Француз инқилоби даврида (1789–1815) ҳарбий қўшиқ сифатида ижро этилган. Унинг муаллифи француз армиясининг капитани Клод-Жозеф Роже де Лилл ҳисобланади. 1795 йилда «Марселеза» Франциянинг миллий мадҳияси сифатида расман тасдиқланади.

Бугунги кунда ер юзиде расман тан олинган давлатлар ўз мадҳияларига эга. Ҳар бир давлат мадҳияси ўша юртнинг давлат тилида ёки энг кўп қўлланиладиган тилларнинг бирида ижро этилади. Масалан, Швейцарияда давлат мадҳиясининг француз, итальян, немис ва фламанд тилдаги талқинлари яратилган.

Сингапурда туртта давлат тили бўлгани ҳолда, мадҳия фақат малай тилида ижро этилади. Испанияда давлат мадҳиясининг матни йўқ, фақат муסיқанинг ўзи ижро этилади. Ҳиндистон мадҳияси — “Жанаганамана” қадимги санскрит ва бенгал тилларида жаранглайди. Финляндиянинг давлат мадҳияси бўлган “Маатте” фин ва швед тилларида ижро этилади.

Интернет материаллари асосида Ҳумоюн Мирзо тайёрлади.

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икром МУСЛИМОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-йўти.
Манзилими: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-1015 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотуведа эркин нархда. Адади: 4146
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21⁰⁰. Топширилди: 22⁵⁵.